



АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

Бобоходжаев Рашидjon Xашимович

*Toшкент давлат транспорт университети,
филология фанлари номзоди, доцент*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда ислоҳотлар самараси натижасида аҳолининг ижтимоий -сиёсий фаоллиги масаласи бу борада олиб борилаётган ишлар, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш борасида мақсадли чоралар амалга оширилаётганлиги юртимизда кечаётган улкан ўзгаришилар ва янгиланишилар даврида аввало аҳолининг ижтимоий саводхонлиги масаласи, ҳимоя қилиши, Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳаёти, дунёқараши, турмуши тарзи каби масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Миллий стратегия, ислоҳот, аҳоли, ижтимоий -сиёсий, тараққиёт, фуқаролик, жамият, муносабат, маданият.

Annotation: *The article examines the issue of social and political activity of the population as a result of successful reforms in Uzbekistan. It highlights the ongoing efforts in this area, as well as the implementation of targeted measures to ensure personal, political, economic, social, and cultural rights within the framework of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights. In the context of the era of major changes and renewal in our country, the article also addresses the importance of improving the population's social awareness and protection mechanisms. The reforms in this sphere are analyzed through their impact on people's lives, worldviews, and lifestyles.*

Keywords: National strategy, reform, population, socio-political, development, citizenship, society, relations, culture.

Ўзбекистонда ислоҳотлар самараси ўлароқ, инсон қадрини улуғлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш борасида мақсадли чоралар амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилган ислоҳотларни таҳлил қиласар эканмиз, энг аввало, шуни қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро хужжатлар нормалари, шу жумладан БМТнинг 7 та асосий шартномалари ва 4 факультатив протоколлари қоидалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича





асосий халқаро шартномаларга қўшилиш инсон хуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали миллий тизимини яратишга хизмат қилди. Хусусан, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солишга қаратилган 12 та Конституцион қонунлар, 18 та кодекслар ва 700 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Шуниси эътиборга лойиқки, амалга оширилган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва эркинликларини таъминлаш масалалари нафақат давлат, балки бутун жамият назорати остидадир. Фуқаролик жамияти институтлари амалдаги қонунчилик доирасида уни такомиллаштиришда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари хуқуқларининг жамоатчилик мониторингини олиб боришда, ахборот-маърифий фаолиятда, шунингдек, инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича даврий миллий ва муқобил маърузалар тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги, миллатлараро мулокот ва маданиятлараро алмашинув масалаларига оид ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Шу боис ҳам «Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қилмоқда»^[1] деб таъкидлангани ҳам бежиз эмас эди. Давлат ва жамиятнинг мутаносиб ва уйғун ўзаро ҳамкорлиги бундай жамиятни шакллантириш ва унинг ҳокимият фаолияти устидан назоратини ўрнатиш учун фуқаролик жамиятини давлатдан ажратишга қаратилган ислоҳотларни давом эттиришни тақозо этади. Замонавий демократия нуфузли ва уюшган фуқаролик жамиятидан ажралмасдир.

Фуқаролик жамиятининг юқори даражадаги автономлиги ва ўзини-ўзи ташкил этиши мавжуд муаммоларни тез ҳал этишнинг кафолати бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бу жамият ва шахсни давлат чегарасини бузиш ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишнинг тўлиқ кафолатидир. «Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади»^[2].

Давлат жамият ва хусусий сектор учун ишончли ҳамкор бўлиши керак. Ўзаро манбаатдорлик ва бир-бирини тўлдириш давлат ва жамият ўртасидаги «келишув»нинг асоси бўлиши керак. Жамиятнинг турли соҳалардаги ҳаётий фаолияти учун тўсиқсиз ва teng рақобат шароитларини таъминловчи қонунчилик базасини таъминлаш давлатнинг шарафли бурчидир. Давлат, шу жумладан марказий ҳокимият ҳам, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам ўз органларининг функсияларини имкон қадар нодавлат ташкилотларга бериши керак. Бундай муносабатларни шаклланишида тўғри ташкил этилган сиёsat ва юксак даражадаги сиёсий маданият муҳим ўрин тутади.





Сиёсат турли даражадаги сиёсат субектлари ўртасидаги мавжуд муносабатларни, муносабатни, ҳаракатни, ўзгартириш ёки модернизатсия қилиш имкониятини назарда тутади. Бинобарин, сиёсий маданият сиёсий жараёнга маълум баҳо бериш билан бирга сиёсий тизимни юритиш ва юритишнинг асосий тамойиллари ва қоидаларини ифодаловчи муносабатлар, эътиқод ва туйғуларнинг йифиндиси бўлиб, бошқача айтганда, сиёсий маданиятдир. 18-асрда немис файласуфи Иоганн Гердер, «Сиёсий маданият» атамасини биринчи марта ишлатиб, у шундай ёзган эди: «Қадимги юонон донишмандларининг аксарияти халқ етакчилари, қиролларнинг маслаҳатчиси, бош кўмондонлар сифатида давлат лавозимларини эгаллаганлар, бундай таникли арбоблар, аристократлар фақат сиёсий маданиятни юзага келтириши ва қуи табақаларга фаол таъсир кўрсатиши мумкин эди»[3].

Хуқуқий маданиятни шакллантириш жараёнининг асосий вазифалари фуқароларда қонунга ижобий муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият олдидаги хуқуқ ва мажбуриятларини билишдан иборат. Бугун бизга ҳар куни ўзгариб турадиган барча янги тенденсиялар керак. Замонавий дунёда мамлакатнинг жадал ривожланишининг шарти, энг аввало, қонун устуворлигини шакллантиришдир. Чунки бу нафақат хуқуқ ва эркинликларнинг кафолати, балки мамлакат сармоявий жозибадорлигининг асосий мезони ҳамdir. Бироқ, бу жараённи халқнинг хуқуқий маданияти шаклланмасдан ва ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. А.Ф.Никитин «Хуқуқий маданият», тушунчасига таъриф бериб, унинг моҳиятини очиб берар экан, уни бино шаклида тасаввур этишни таклиф этади ва бу бино З қаватдан иборат деб кўрсатади. Бинонинг биринчи қаватига хуқуқий билимлар ва улардан фойдалана олишни жойлаштиради. Иккинчи қаватга хуқуққа бўлган муносабатни ва ниҳоят учинчи қаватга хуқуқий мазмунга эга бўлган вазиятларда шахснинг фаолияти ва хулқ – атворни киритади. Бу уйнинг пойдеворини уни аҳлоқий ва мафкуравий, сиёсий қарашлар, эътиқодлар ташкил этади»[7].

Ўзбекистон аҳолининг хуқуқий онгини кенгайтиришнинг асоси барча ижтимоий гуруҳларга, аҳолига фаол меҳнат қилиш ва инсон ҳуқуқлари кўламини кенгайтириш имконини беради. Қонунга эътиборсизлик, ҳар қандай ортиқчалик, қонунга шафқатсизлик, «Истаганимни қиласман» демократик шаклидаги зиддиятларга бархам бериш керак. Бунинг йўлларидан бири ёшларни хуқуқий тарбиялаш фаолиятидир. Бу соҳада Ўзбекистонда хуқуқий нигилизмнинг олдини олишни ривожлантириш зарур, чунки ёшлар ўртасида хуқуқий нигилизмнинг қабул қилиниши катта хавф туғдиради.

REFERENCES:

- Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси



Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. Халқ сўзи. 6.12.2016.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

3. Ramatov , J., Baratov , R., Jurabayev , N., Umarova , R., Mamajanova , G. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects 2022AIP Conference Proceedings 2432,030011 <https://doi.org/10.1063/5.0090845>

4. Ramatov, J., Aleksandr, L., Baratov, R., Umarova, R., Djurabayev, N. 57767291700;58951007900;57768752000;57768501200;58951171800;

5. Бабаходжаев Р. "Некоторые методологические вопросы терминологии." чебная терминосфера по избранной специальности сборник материалов научно-практического семинара (2010).

6. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.

7. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.

8. Бабаходжаев Р. Проблемы славянской лексикологии и фразеологии //славянские языки: системно-описательный и сотсиокультурный аспекты исследования. – 2017.

